# Тошкент оқшоми

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

Шаҳар ижтимоий-сиёсий газетаси

№ 83 (8.973) * 1997 йил * 21 июль, душанба * Сотувда эркин нархда


## Ўзбекистон мустақиллигининг 6 йиллиги олдидан





*Қурилиш*

## ШИНАМ УЙЛАРДА НИШОНЛАШАДИ

***Шу кунларда пойтахтимизнинг қарийб барча туманларида «Ўзуйжойжамғармабанк» буюртмаси бўйича сертификатли уйлар қурилиши жадал суръатларда олиб борилмоқда.***

Шу йилнинг февраль ойи бошларида Акмал Икромов туманидаги иккита бўш жойда — Чилонзорнинг 12 ва 14-мавзеларида турар жой биноларини бунёд этиш ишлари бошлаб юборилган эди. Шуни айтиш керакки, бу ерда иш суръати дастлабки кунларданоқ юқори бўлди. Мана эндиликда қурувчиларнинг фидойилик кўрсатиб қилган меҳнатлари ўз маҳсулини кўрсатмоқда: яқин кунлар ичида 128 оила янги уй калитларини олишади. Шуниси диққатга сазоворки, бу уйлар узоқ муддатга берилган кредитлар ва яна бир қатор имтиёзлар эвазига бунёд этилмоқда.



Куни кеча ана шу бинолар қурилишида бўлдик. Бу ерда сўнгги қурилиш ишлари бажарилмоқда. 8 та тўрт қаватли ғиштдан қурилаётган бу уйларда «Ўзколхозқурилиш» ва «Ўзагроқурилиш» корпорацияларининг пудратчи ташкилотлари меҳнат қилмоқда. Шу уйлардан тўрттаси 64 хонадонга мўлжалланган бўлиб бунёдкорлик ишларини Қўқон, Бекобод, Андижондан келган беш комплекс бригада бунёд этмоқда. Ҳозир бу уйларда пардозлаш ишлари қизғин кетмоқда. Шуниси диққатга сазоворки, бу шинам уйларнинг калитлари Ўзбекистон Мустақиллигининг олти йиллик байрамига топширилади. Демак янги уй калитларини олган ҳамшаҳарларимизнинг уй тўйлари байрам тантаналарига уланиб кетади.

Бинобарин биз сертификатли уйлар ҳақида сўз юритар эканмиз бу ерда яна бир марта Президентимизнинг аҳолининг уй-жойга бўлган эҳтиёжини янада тўлароқ қондириш, фуқароларнинг эркин пул маблағларини жалб этиш ҳисобига уларни шахсий квартиралар билан таъминлашга қаратилган Фармони эълон қилингандан бери ўтган бир ярим йил мобайнида шаҳримизда бу борада кўпгина ибратли ишлар амалга оширилганлигини таъкидлаб ўтмоқчимиз. Маълумки, ана шу Фармон қисқа муддат ичида ҳаётда ўз амалиётини топди ва у ҳозир бутун республика бўйлаб кенг ёйилмоқда. Тошкентда эса бугунги кунга келиб 500 дан зиёд оилалар миллий расм-русумларимиз ҳисобга олинган, кенг, шинам ва ёруғ уй-жойларнинг соҳиблари бўлдилар.

*Саид БОТИРОВ.*

*СУРАТЛАРДА: Чилонзорнинг 12-мавзесида қурилаётган уйларни ва ободончилик ишларини «Андижондеҳқонқурилиш» 3-трестининг 547-кўчма механизациялашган жамланмаси олиб бормоқда. Юқоридаги суратда ана шу трест комплекс бригадасининг ишбошчиси Т. Мўминов.*

*Рашид Галиев олган суратлар.*

*Транспорт*

## ҚУЛАЙ, ТУРЛИ ХИЛДА

***Маълумки, ҳар куни шаҳримизда истиқомат қилувчи ҳар бир тошкентлик транспорт хизматидан фойдаланади. У ўзи кўзлаган манзилга тезроқ ва қийналмасдан етиб боришни хоҳлайди. Шу жиҳатдан олганда ойлик йўл карточкалари улар учун жуда қулайдир.***

Буни барча йўловчиларнинг 50 фоиздан зиёди ҳам бир овоздан таъкидлашди. Шаҳримиздаги кўплаб корхона ва ташкилотлар эса ўз ходимлари учун шундай карточкаларни «Тошшаҳарйўловчитранс» давлат уюшмасининг хўжалик ҳисобидаги ягона марказидан марказлашган ҳолда олишади.

Ҳозирги пайтда йўл карточкаларининг бир қанча хиллари ва сериялари мавжуд. Шулардан бири транспортнинг 4 хилига — метро, автобус, трамвай, троллейбусдан фойдаланишга мўлжалланган. «М» сериясидаги бундай карточкалар қиймати 2000 сўм бўлиб, уни фақат шаҳар уюшмасининг хўжалик ҳисобидаги ягона марказидан пул ўтказиш йўли билан харид қилиш мумкин. Транспортнинг 3 хили — автобус, трамвай, троллейбусдан фойдаланиш учун «А» сериясидаги карточкалар корхоналар ва ташкилотлар учун 1670 сўм пул ўтказиш йўли билан сотиб олинади, аҳоли учун накд пул билан 1000 сўмга сотилади. Пенсионерлар ва ногиронлар учун эса «Н» сериясидаги нархи 470 сўм бўлган карточкалар мавжуд. Олий ўқув юртлари, коллежлар ва техникумларнинг талабалари учун «Т» сериясидаги нархи 330 сўм бўлган карточкалар бор. Умумий таълим, мусиқа ва бошқа мактаблар, лицейлар ва билим юртлари учун «О» сериясидаги нархи 270 сўм бўлган карточкалар жорий этилган.

Аҳолининг илтимосларига кўра ойлик йўл карточкаларининг янги хиллари «Автобус», «Трамвай», «Троллейбус» деган сериялар билан алоҳида ҳолда жорий этилмоқда. Бундай карточкаларнинг ҳар бирининг қиймати 800 сўм.

Йўловчиларга жорий этилаётган бу янгилик транспортнинг битта туридан фойдаланадиган йўловчиларга манзур бўлиши турган гап. Битта турдаги бундай карточкаларни ҳар қандай тоифадаги фуқаролар фақат дўконлардангина харид қилиб олишлари мумкин.

*Юсуф ҚОСИМОВ.*




## БУГУНГИ КУН НАФАСИ

### МАМЛАКАТИМИЗДА

● Асакадаги «ЎзДЭУавто» Ўзбекистон — Жанубий Корея қўшма корхонаси ишга туширилганлигига бир йил тўлди. Ана шу давр мобайнида корхона конвейеридан 68 мингта «Дамас», «Тико» ва «Нексия» автомобиллари тушди. Автомобиль заводи тўла қувват билан ишлай бошлагач, бу ерда йилига 200 мингта машина ишлаб чиқариладиган бўлади. 2000 йилга бориб эса бу машиналар учун барча бутловчи қисмларнинг 70 фоизига яқини мамлакатимизнинг ўзида тайёрланади.

● «Ўзбекистон металлургия комбинати» акционерлик ишлаб чиқариш бирлашмаси прокат цехида диаметри 104 метрли пўлат шарлар ишлаб чиқарадиган линия тўла қувват билан ишлай бошлади. Бирлашмада эндиликда аввал чет мамлакатлардан келтириладиган 40-45 минг тонна ана шундай жуда муҳим маҳсулот тайёрлана бошлайди.

● Ташқи ишлар вазирлигининг Қабуллар уйида шу йил 25 августдан 2 сентябрга қадар Самарқандда бўлиб ўтадиган «Шарқ тароналари» халқаро мусиқа фестивалига бағишланган брифинг ўтказилди.

### ЖАҲОНДА

● Бош вазир ўринбосари Мираброр Усмонов бошчилигидаги Ўзбекистон ҳукумат делегацияси Қоҳирада бўлиб, савдо иқтисодий ва илмий-техникавий ҳамкорлик бўйича Ўзбекистон — Миср қўшма комиссияси иккинчи мажлисида иштирок этди. Унда ҳар икки давлат ўртасида қишлоқ хўжалиги, саноат, сув ресурслари, банк тизими, инвестициялар, транспорт ва коммуникациялар, қурилиш, энергетика соҳасидаги ҳамкорлик истиқболлари муҳокама этилди.

● Таътилини Самара яқинидаги «Волга қояси» санаторийсида давом эттираётган Россия Президенти Борис Ельцин бугун мудофаа вазири Игорь Сергеев билан учрашиб, мамлакатда ҳарбий ислоҳотни амалга ошириш масалаларини муҳокама этади. Яқинда Президент томонидан имзоланган Фармонга мувофиқ 1999 йилга бориб Россиянинг 1,7 миллион кишилик Қуролли кучлари 500 минг кишига қисқартирилиши кўзда тутилган.

● Россия олий мартабали раҳбарлари ўзларининг 1996 йилги даромадлари кўрсатилган декларацияларни тақдим қилдилар. Ҳозирча эълон қилинган маълумотларга кўра бу раҳбарлар орасида ўтган йили Қалмиқистон президенти Кирсан Илюмжинов энг кўп — қарийб 5,8 миллиард рубл даромад қилибди. Бу рўйхатда даромади 2,5 миллиард рубл атрофида бўлган Хавфсизлик кенгаши котибининг ўринбосари Борис Березовский иккинчи, 1,5 миллиард рубл даромад қилган Бош вазирнинг биринчи ўринбосари Александр Чубайс эса учинчи ўринларда турибдилар.

● Аҳмад Шоҳ Масъуд қўмондонлик қилаётган толибончиларга қарши коалиция қўшинлари Кобулни қўлга олиш учун шиддатли жангларни давом эттирмоқдалар. Улар ҳозир Афғонистон пойтахтидан 30 километр узоқликда турибдилар.

● Вьетнамда парламент сайловлари бўлиб ўтмоқда. Олий қонун чиқарувчи органдаги 450 депутат ўрни учун асосан Компартия вакиллари бўлган 663 номзод кураш олиб бормоқда. Шуниси эътиборга моликки, Вьетнам Конституциясига кўра мамлакат фуқаролари парламент сайловларида овоз беришда иштирок этишлари шарт эмас.

● АҚШга расмий ташрифини давом эттираётган Грузия Президенти Эдуард Шеварднадзе бугун Нью-Йоркда БМТ Бош котиби Кофи Аннан билан учрашади. У ушбу музокарада халқаро ҳамжамият эътиборини Грузия — Абхазия можаросини ҳал этишга жалб қилиш ниятидадир.

● Украинада ходимларга тўланмаган иш ҳақи бўйича қарз 4,6 миллиард гривна (3 миллиард АҚШ доллари)га етди. Бунинг 3,5 миллиард гривнаси ишлаб чиқарувчиларга тўланмаган иш ҳақи бўйича қарзлардир.

● АҚШ сенати аксарият кўпчилик овоз билан 1998 йилда Россияга тахминан 200 миллион доллар миқдордаги молиявий ёрдамни бекор қилиш мумкинлиги тўғрисидаги қонунга ўзгартиришни маъқуллади. Сенатнинг бундай қарорига Россияда айрим диний мазҳаблар, жумладан католикларнинг ҳақ-ҳуқуқини камситадиган қонун қабул қилиниши сабаб бўлди. Агар бу қонун Президент томонидан имзоланиб, кучга кирса, Россия ҳудудида камида 15 йил фаолият кўрсатаётганлигини тасдиқлай оладиган диний мазҳаблargина расмий рўйхатга олинадиган бўлади.

● Краснодарда бундан буён Кубанда ва Адигея республикасида рўйхатга олинмаган транспорт воситаларининг эгалари шаҳар орқали ўтишлари учун 50-100 минг рубл атрофида ҳақ тўлайдиган бўладилар.

● Ҳиндистон жануби-шарқида мана икки ҳафтадан бери давом этаётган сув тошқини оқибатида 400 нафарга яқин киши ҳалок бўлди. Хитойда эса сўнгги йигирма йил ичида энг кучли жала 173 кишининг ҳаётига зомин бўлди. Бу табиий офат оқибатида мамлакатдаги 4,2 миллион гектар экинзорлар ва юзлаб минг иморатлар сув остида қолди.

● Сурункали давом этаётган жала туфайли Одер дарёсидаги сув сатҳи энг юқори — 6,2 метрга етиб, Франкфурт-Майн шаҳрини сув босиш хавфи туғилди. Ҳозир ўн минглаб кишилар сув йўлини тўсиш учун қум тўлдирилган қоплардан шошилинч қўшимча дамбалар қурмоқдалар.

*Долзарб мавзуда*

## ЭҲТИЁТ БЎЛИШ СИЗДАН...

***ЁЗ — таътил ўтказиладиган, оромгоҳларда саломатлик тикланадиган, тўй-ҳашам қилинадиган палла. Ўлкамиз шароитида у чилла жазирамаси билан ҳам ажралиб туради. Қуёш олов пуркаб турган бу кунлари эътиборсизлик сабаб соғлиғингизга путур етиб қолиши ҳам ҳеч гап эмас. Айниқса, сизни касал қилган нарсани ўз пулингизга сотиб олган бўлсангизчи?***

***Гап бугунги кунда шаҳримизнинг кўпгина жойларида сотилаётган озиқ-овқат маҳсулотлари ва ичимлик сувларининг сифати ҳақида кетаётганини тушунгандирсиз. Зеро, уларнинг ҳаммаси ҳам айни пайтда санитария талабларига жавоб бермайди. Бу камчиликларни бартараф қилиш юзасидан олиб борилаётган ишлар хусусида Тошкент шаҳар Санитария-эпидемиология бош бошқармасининг бошлиғи Абдулла Мирзаев билан суҳбатлашдик.***

**— Ўйлаб қаралса, ёз фаслида киши ўз саломатлиги ҳақида ҳар қачонгидан ҳам кўпроқ қайғуриб қолади. Бу ҳол иқлимимизнинг иссиқлиги билан боғлиқ бўлса керак?**

— Дарҳақиқат, ёз фасли асли дам олиш мавсуми бўлса-да, кишидан ҳар қадамда ҳушёрроқ бўлиш талаб этилади. Хусусан озиқ-овқат маҳсулотларини истеъмол қилиш, сувдан фойдаланишда эҳтиёткорлик зарур. Чунки бизнинг иссиқ иқлимли шароитимизда улар тезда ўз сифатини йўқотади, таркибида зарарли микроблар пайдо бўлиб, саломатлик учун хавф туғдиради. Худди шунинг учун яқинда биз пойтахтимиздаги умумий овқатланиш, савдо нуқталари, озиқ-овқат ишлаб чиқарувчи корхоналар, бозорларда бўлиб, санитария талабларига қандай жавоб берилаётганини текширдик. Ўтказилган текширувларда шаҳримиздаги деярли ҳар бир бозорда, айниқса Бешёғоч, Қўйлиқ, Аския, Паркент бозорларида мазкур талабларга риоя қилинмаётгани маълум бўлди.

Худди шундай ҳолат умумий овқатланиш нуқталарида ҳам кузатилди. Шу йилнинг июнь ойида «Лаззат» очиқ турдаги ҳиссадорлик жамияти ишлаб чиқараётган маъданли сув текширилганда истеъмол қилишга яроқсиз экани аниқланди ва корхона ёпиб қўйилди. Ишлаб чиқарилган 40 минг шиша ичимлик йўқ қилинди. Бу — яккаю-ягона ҳодиса эмас. Ташвишланарлиси шуки, озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқарадиган кўпгина фирмалар санитария-эпидемиология хизматининг рухсатномасисиз фаолият кўрсатишмоқда. Бу ҳол мавжуд шароитни янада оғирлаштираётир.

**— Ҳозир сотувда қовун-тарвузлар ва бошқа полиз экинлари кўпайиб бормоқда. Лекин уларнинг сифати санитария меъёрларига жавоб беряптими?**

— Ҳозир биз бундай табиат неъматлари таркибидаги нитратлар миқдорини текширмоқдамиз. Бу миқдор мавжуд меъёрдан ошиб кетса, маҳсулот йўқ қилинмоқда. Шу йилнинг ўзида 1225 шахсга санитария қоидаларига риоя қилмагани учун жами 762.800 сўм жарима солинди. 345 савдо нуқтаси фаолияти тўхтатилди, 254 киши ишдан четлаштирилди, 780 тоннадан ортиқ озиқ-овқат маҳсулоти йўқ қилинди.

Маълумки, ёз ойларида ошқозон-ичак юқумли касалликлари тарқалиши кучаяди. Айни пайтда бу дард билан 2372 киши оғримоқда. Йил бошидан буён овқатдан заҳарланиш ҳолати 8 марта қайд этилди ва бунинг оқибатида 17 киши азият чекди. Бунинг асосий сабаби истеъмолга яроқсиз қўзиқорин ва бақлажон маҳсулотларини истеъмол қилиш, озиқ-овқатни нотўғри тайёрлаш ва сақлаш бўлган. Бундай нохуш ҳолатлардан узоқ юриш учун киши аввало озодалик қоидаларига риоя этиши, уйда тайёрлаб бозорлар ва кўча-кўйларда сотилаётган айрон, қимиз, қатиқларни истеъмол қилмаслиги лозим. Ҳатто морсдан ҳам эҳтиёт бўлмоқ керак, чунки кўп жойларда, хусусан Чилонзор тумани ҳудудларида савдо қилинаётган бу ичимлик талаб даражасида эмас. Шунга қарамай, айрим жойларда ҳанузгача ариқ сувларидан ичимлик сифатида, овқат тайёрлашда фойдаланилаётганини кўриб, таажжубга тушасан киши. Ҳолбуки республикамизга қўшни ҳудудларда ичтерлама касаллигининг пайдо бўлгани асосан қайнамаган сувни ичиш, мева-сабзавотларни яхшилаб ювмасдан истеъмол қилганлик оқибатидир.

**— Сиз ҳозир ариқлардаги сувнинг тоза эмаслиги ҳақида гапирдингиз. Демак, очиқ сув ҳавзаларида чўмилиш ҳам хавфли экан-да?**

— Бугунги кунда шаҳримизда 272 та очиқ сув ҳавзаси ва 26 та тозалаш иншооти бор. Сув ҳавзаларининг 50, иншоотларнинг 15 фоизи тозалик меъёрларига жавоб бермайди. Истироҳат боғларидаги сув ҳавзалари доимо текширувимизда ва уларда бугунги кунда чўмилса бўлади. Шунингдек, деярли барча фавворалар, хусусан шаҳар марказидаги фавворраларда чўмилишга рухсат этилган. Аммо улар сувларининг янада ифлосланиб кетмаслиги учун чўмилиш чегаралаб қўйилган. Шаҳримиздаги катта ариқларда эса аҳвол яхши эмас. Халқимизда «Сув етти марта думаласа пок бўлади» деган гап бор. Лекин у хонадонлар, корхоналар ариқларга чиқинди ва ифлос сувлар тўкмайдиган замонларда айтилган. Ҳозирги сувлар етмиш марта думаласа ҳам тоза бўлмайди. Уларда чўмилиш касаллик орттириб олишнинг энг осон йўлидир. Айни пайтда Кайковус, Толариқ, Бўзсув сув ҳавзаларида чўмилиш хавфли ҳисобланади. Бўзсув ва Салор ҳавзаларидаги тозалаш иншоотлари қониқарсиз аҳволда.

Аҳолига кундалик турмушда фойдаланиш учун қувурлар орқали етказиладиган сув тозалиги юзасидан ҳеч қандай муаммо йўқ. Аммо бизга боғлиқ бўлмаган бир нохушликни айтай: бу — сув босимининг камлиги, натижада айрим хонадонларга сув етиб бормаётганидир. Кўпчилик ҳамшаҳарларимиз бу муаммони сувни суғоришга исроф қилинаётгани билан боғлайдилар. Эътибор қилган бўлсангиз, шаҳримизнинг чекка ҳудудларида автомашина ювиш хизматини кўрсатаётганлар кўпайиб кетди. Улар ичимлик сувини ноқонуний тарзда ишлатмоқдалар. Айримлар экинзорларни суғориш, атроф-муҳитни салқинлатиш мақсадида ҳам анчагина ичимлик сувни исроф этишмоқда. Ҳолбуки аҳолига ичимлик сувини тоза, сифатли ҳолда етказиб бериш жуда қимматга тушади.

Юқоридаги фикрлардан шундай хулосага келинадики, кундалик турмушда нохуш ҳолатларга барҳам бериш аввало инсоннинг ўзига боғлиқ. Агар у нима еб, нима ичаётганига яхшилаб эътибор берса, доимо озодалик пайида юрса, табиат неъматларидан тежаб-тергаб фойдаланса, юқорида зикр этилган кўнгилсизликларга сира ўрин қолмайди.

*Абдумалик АБДУРАҲМОНОВ суҳбатлашди.*

*Танловлар*

## САМАРҚАНДДА МУСИҚА БАЙРАМИ

***Маълумки, август ойининг охирида қадимий ва навқирон Самарқанд шаҳрида «Шарқ тароналари» деб номланмиш биринчи халқаро мусиқа фестивали бўлиб ўтади.***

Айни пайтда дунёнинг 40 дан зиёд мамлакати ушбу нуфузли тадбирда қатнашиш истагини билдирди.

13 мамлакат вакилларидан иборат ҳайъатга япониялик машҳур мусиқашунос, бир қанча обрўли мусиқа фестиваллари иштирокчиси ва туркий халқлар мусиқа маданияти тарғиботчиси, Токио университети профессори Хорума Калинба хоним раислик қилади.

Мукофотлар салмоғининг юқорилиги ҳам эътиборга молик. Бош мукофот «Гран—при»га 10 минг АҚШ доллари, 2 та биринчи ўринга ҳар бири 5 минг, 2 та иккинчи ўринга ҳар бири 2,5 минг, 3 та учинчи ўринга 2 минг АҚШ доллари белгиланган. Булардан ташқари ташкилотчилар ва ҳомийлар томонидан ҳам махсус қимматбаҳо ва эсдалик совғалари ажратилган.

*Маъмура РЎЗИЕВА.*

*Муаммо*

# ИССИҚДА ЧАНҚОҒИНГИЗ ҚОНЯПТИМИ?

***Поезд жойидан қўзғалса ҳам ҳарорат пасаймади. Очиқ ойналардан гуп этиб димоққа гармсел шабада урилди. Тер қуйгандан қуйиб боряпти. Сувга ташна лабларда чанқоқ азоби. Ҳамроҳим бетоқат ўрнидан турди.***

***— Бориб вагон оғасидан сўрайчи, балки бирор пиёла сув топилиб қолар.***

***— Чойи ҳам қайнаб қолгандир, — дейман мен ҳам ютиниб.***

***Зум ўтмай ҳамроҳим орқага қайтди.***

***— Сув йўқ. Чойи эса ҳали қайнамабди. Ювиниш хонасидаги сувдан ича қолай десам одам тирбанд.***

Июнь ойининг ўрталарида шаҳримизнинг Жанубий вокзалидан Бухорога қилган сафаримизнинг дебочаси шундай бошланди. Айниқса, мана шунақа жазирама кунларда «Йўл азоби — гўр



азоби» эканлигини бир неча бор бошдан кечирган бўлсакда, шошилинчда уйдан биронта идишда чой совутиб олиш хаёлимизга келмабди. Вокзалдан яхна ичимлик ола қолайлик, десак сув анқонинг уруғи. Чеки-чегараси йўқ «Қаҳвахона» ва «Бир зумда»ларнинг пештахталари фақат «Кока-кола» ва «Фанта»ларга тўла. Ҳамён эса кўтармайди. Бунинг устига шишасини қайтариб бериш керак. Тўғри, 1,5 литрли елим идишларга тўлғазилган маъданли сувлар бисёр. Лекин уларнинг ҳам нархи 100 сўмдан ортиқ.

— Тавба, олдинлари вокзални тўлдириб турган газ сувлари қайга кетди? — сўрайди ҳамроҳим куюниб мендан. Унинг гапига елка қисаман.

Чиндан ҳам қани ўша арзон-гаров муздеккина сувни стаканларга лиммо-лим тўлдириб сотадиган газ сув нуқталари? Нега шундай катта вокзалда улардан бирортаси кўринмайди. Фақатгина бир бурчакда уч-тўртта автомат ишлаб турибди. Унинг олдига қадам босиб бўлмайди.

— Келинг, қўйинг, бироз чидасак поезд юради. Чой билан сувга купеда мириқамиз.

Вагонга чиқиб ўз ўрнимизни эгалладик. Иссиққа чидай олмай бир зумда ечиниб майкачанг бўлиб олдик.

Поездда эса вокзалда кўрган-кечирганларимиздан баттар ҳолатни бошдан ўтказдик. Янгийўлга яқинлашганимизда: «Кеп қолинг муздеккина сув» деган аёл кишининг ёқимли товуши қулоғимизга чалинди. Ҳамроҳим йўлакка чопди.

— Ҳой, опа, қани олиб келинг сувингизни.

Ўрта ёшлардаги аёл сумкасини елкасидан туширди. Унинг ичи тўла «Тошкент суви», «Кока кола» ва «Фанта»лар.

— Қайсинисидан берай, муллакалар?

— «Тошкент суви»дан тўрттасини бера қолинг.

Сотувчи тўрт шиша сувни стол устига қўйди.

— Мана, 140 сўм бўлади.

Бир-биримизга маъноли қараб олдик.

— Қиммат-ку.

— Шишаси билан-да, муллакалар.

Барибир томоқ қақраб тургандан кейин кўзга пул кўринмас экан. Олдик. Иккаламиз бир симиришда биттадан шишани бўшатдик.

Ана шундан кейин савдо-сотиқ қизиб кетди. Орадан беш дақиқа ўтар-ўтмай тижоратчиларнинг кети узилмай қолди. Улар дам-бадам купега бош суқишиб яхна ичимлик керак ёки керакмаслигини сўраб туришди. Лекин ҳаммасининг нархи бир хил. Ҳамроҳим сотувчилардан бирига танбеҳ берган эди, балога қолди.

— Вой, пулига чидаган ичади, буни, муллака. Ахир вагонма вагон кезиб сув сотишнинг ўзи бўлмайди. Шунисига ҳам шукр қилинг. Агар биз бўлмасак, йўловчилар сувсизликдан сулайиб қолишади.

Тижоратчи аёл билан олишиб ўтириш беҳуда эди. Шунинг учун бир гапдан қола қолдик. Хуллас 12 соатлик йўл давомида 10 шиша «Тошкент суви»ни ичиб қўйибмиз. Нархини ўзингиз чиқариб олаверинг. Сўраб-сўриштирсак бу ҳол биргина бизнинг вагонда эмас, балки барча йўналишларда қатновчи поездларда ҳам шу «тартиб» ҳукм сураётган экан.

Шу баҳона сафардан қайтиб пойтахтимиз кўчаларини кездик. Жойларда яхна ичимлик таъминоти қандай аҳволда эканлиги билан қизиқдик. Жазирамада кўча кезиб юрган йўловчилар чанқоғи қоняптими? Уларга етарли шароит яратилганми? Шу саволларга жавоб топиш мақсадида эдик. Бир сўз билан айтганда таъминотдан кўнглимиз тўлди. Лекин бу нарса 1,5 литрли елим идишдаги «Кока кола», «Фанта» ва турли минерал сувлар ҳисобига. Чунки улар ҳар қадамда учрайди. Дўкон пештахталарию, тижоратчиларнинг столи бундай ичимликларга тўлиб кетган. Лекин очиғини айтганда, бу қимматбаҳо ичимликни ҳамма ҳам харид қилиш имкониятига эга эмас. Шанба ва дам олиш кунлари кичкинтойларини сайрга олиб чиққан ота-оналар иссиқдан чанқаб, тўрт қадам юрмай сувсираб турган болаларининг чанқоғини бундай нархдаги ичимлик билан қондира оладиларми? Илгариги шаҳримизнинг одамлар гавжум жойларида, йўл чеккаларига ўрнатилган газ сувлари қани? Бочкали муздеккина морслар, квaслар ва бошқа турдаги шарбат сувлар нега йўқ? Айниқса сайилгоҳларда, бозорларда газ сувларининг учрамаслиги кишини ранжитади. Чанқоғингизни қондириш учун сув излай-излай ўша биз айтган қимматбаҳо ичимликдан ичишга мажбур бўласиз. Ҳатто арзон баҳо ўзимизнинг «Тошкент суви»миз ҳам пештахталарда кўринмаслиги қизиқ. Балки ҳозир завод кам қувват билан ишлаётгандир. Шунинг учун улар камёб бўлиб қолгандир, деган хаёлда ушбу корхона директори Акмал Аъзамхўжаевга мурожаат қилдик.

— Корхонамиз тўла қувват билан ишлаяпти. Бир кунда 270-300 минг шиша маъданли сув чиқаряпмиз, — деган жавобни берди у.

Қибрай яхна ичимликлар корхонаси мутасаддилари эса: «Биз ичимлик танқислиги муаммосини олдиндан кўриб қўйганмиз. Бочкали шарбатларимиз ҳам етарли. Бироқ олувчилар кам», дейишади.

Бу ўринда шарҳга ҳожат бўлмаса керак. Чунки «Тошкент суви» тижоратчилар қўлига ўтиб кетяпти. Бочкали шарбатларнинг эса нархи арзон. Унинг устига югур-югури кўп. Шунинг учун сотувчилар ундан воз кечишаётган бўлса ажаб эмас. Албатта бир бочка бундай сув сотгандан кўра, 10 яшик қимматбаҳо ичимликни сотган яхшида.

Одамларга «Кока кола» ҳам, «Фанта» ҳам, сув ҳам керак. Чунки ҳозирги меҳмондорчилигу йиғинлар учун ёзиладиган чиройли дастурхонларимизни бундай ичимликларсиз тасаввур қилиб бўлмайди. Лекин арзон баҳодаги «Тошкент суви» ва бочкали ичимликлар ҳам ҳамшаҳарларимиз учун жуда-жуда зарур. Ҳаммасидан бисёр бўлса харидорларнинг ўзлари имкон қадар керагини танлаб олишаверади.

Яқинда йўлимиз тушиб «Эски Жўва» бозорига бориб қолдик. Ҳар қадамда муздек газ сув сотувчилар. Бир стаканининг нархи — 5 сўм. Ҳам арзон, ҳам қонимли. Музқаймоқхоналарни айтмайсизми? Улардан турли хилларини харид қилишингиз мумкин. Арзони ҳам, қиммати ҳам бор. Лекин бундай ҳолни ҳатто шаҳримизнинг энг катта бозори — «Отчопар»да ҳам учратмайсиз. У ерда ўша биз юқорида айтган қимматбаҳо ичимликлар савдоси авж олган. Бозор маъмурияти идораси ёнида жойлашган бино бурчагидаги водопроводдан жилдираб оқаётган сув атрофи ҳамиша одамлар билан гавжум. Жўмракка кучи бор йигитчалар яқинлашади. Бечора аёллар бу ердаги сур-сурни кўриб сувсиз қайтишга мажбур.

Шаҳримизнинг шундай катта бозорларини кеза туриб бир хаёлга бордик. Бир вақтлар бозор ҳудудининг махсус жойларида маҳсулотни ювиб тозалайдиган, қўл чаядиган фавворачалар бўлғувчи эди. Нега улар йўқолиб кетди? Ахир улар озодалик учун ҳам керак эдику. Ҳар қалай бу ҳам ўйлаб кўришга арзигулик муаммо.

Бу сафар савдо дўконларида яхна ичимликлар таъминоти хусусида сўз юритишни лозим топмадик. Сабаби уларнинг ҳаммасида ичимликлар бисёр. Лекин арзон баҳолари кўзга кам ташланади. Мана шу масалага эътибор қаратилса яхши бўларди. Жойларда бўлганимизда одамларни бир хил: «Чанқоғингиз қоняптими, ичимлик таъминотидан мамнунмисиз?» деган савол билан сўроққа тутдик. Жавоб эса бир хил: «Таъминот ёмон эмас, лекин чанқоғимизни кўпинча қимматбаҳо ичимликлар эвазига қондиряпмиз». Албатта йўқдан бори яхши. Лекин ҳамён кўтаришини ҳам ўйласа нур устига нур бўларди.

*Маҳмуд КОМИЛЖОНОВ.*

---

***Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг фан, маданият, маориф масалалари бўйича иш олиб борадиган ЮНЕСКО маълумки, Ер юзидаги халқлар маданий меросини авайлаб-асраш, илм-фанни ривожлантиришга жиддий эътибор беради.***

***Мана, икки йилдирки, Ўзбекистонда ҳам бу нуфузли ташкилотнинг ваколатхонаси фаолият кўрсатмоқда. Жамоатчи мухбирларимиз яқинда ушбу ваколатхона бошлиғи жаноб Майкл Барри ЛЕЙН билан мулоқотда бўлиб, ЮНЕСКО ташкилотининг бугунги кундаги фаолияти ҳақида сўзлаб беришни илтимос қилдилар.***

*Ҳамкорлик*

# ҚАДР ТОПАЁТГАН ҚАДРИЯТЛАР

— ЮНЕСКОнинг бош котиби Федерико Майорнинг 1995 йилнинг октябрь ойида Ўзбекистонга қилган сафаридан сўнг ўтган йили Тошкентда ЮНЕСКОнинг ваколатхонаси ўз ишини бошлади, — дея сўз бошлади М. Барри Лейн. — Хабарингиз бор, Ўзбекистон Президенти жаноб Ислом Каримов ЮНЕСКОнинг Париждаги қароргоҳига қилган ташрифларидан сўнг алоқалар янада кучайиб кетди. Бунга Мирзо Улуғбекнинг 600, Амир Темурнинг 660 йиллик юбилей тантаналарини келтиришнинг ўзи кифоя. Шу вақтгача маданият бобида ҳам бир қанча жуда муҳим ишлар амалга оширилди. Мен ЮНЕСКО доирасида Марказий Осиё давлатлари билан олиб бориладиган маданият ишларини бошқараман. Ушбу минтақанинг маданий бойликларини тарғиб қилиш менинг вазифамга киради. Бинобарин шундай экан, мен уларга қўлимдан келганча ёрдам беришга ҳаракат қиламан.

Биз нафақат Ўзбекистон, балки Тожикистон, Туркманистон, Қирғизистон ва Қозоғистон билан ҳам ҳамкорликда иш олиб бормоқдамиз. Иш фаолиятимиз давомида ташкилотимизни қизиқтирган тарихий обидаларни кўздан кечирдик. Маълумки, шу йилнинг куз фаслида Бухоро ҳамда Хива шаҳарларининг 2500 йиллигига бағишланган тантаналар бўлиб ўтади. Ушбу тантаналарнинг дебочаси сифатида шу йил ЮНЕСКОнинг Париждаги қароргоҳида бир қатор тадбирлар ўтказилди.

Ҳозирги кунда бу икки шаҳарнинг тарихий обидалари, унинг Ўрта Осиё маданиятига қўшган ҳиссаси ҳақида илмий изланишлар олиб борилмоқда. Биз Хива ва Бухоро шаҳарларида бўлиб ўтадиган юбилей кунларида халқаро илмий конференция чақириш ниятидамиз. Ушбу илмий конференцияда дунёнинг жуда кўп мамлакатларида фаолият кўрсатаётган, Марказий Осиё тарихи билан шуғулланадиган олимлар иштирок этиши кўзда тутилмоқда. Ушбу конференцияларда ЮНЕСКОнинг Ўзбекистондаги олиб бораётган фаолияти ҳам кўриб чиқилади. Биз республикадаги таълим соҳасини ривожлантириш борасида ҳам бир қанча дастурлар ишлаб чиққанмиз. Мана шу дастурлар бўйича Ўзбекистон Халқ таълими вазирлиги билан ҳамкорликда иш олиб боряпмиз. Фан ва маориф соҳасини ислоҳ қилиш, унга янгиликлар киритиш устида иш олиб бормоқдамиз. Бу соҳада немислар билан лойиҳа ишлаб чиққанмиз. Булардан ташқари, Олий таълим вазирлиги, экология ва саломатлик «ЭКОСАН» жамғармаси билан биргаликда лойиҳаларимиз бор. «Ахборот ҳамда коммуникация соҳасида янги технология» деб номланган дастур ишлаб чиқмоқчимиз. Бунда бизга «Камолот» жамғармаси ёрдам беради.

«Соғлом авлод учун» дастури бўйича ҳам ишлаш ниятимиз бор. Яқин орада амалий ҳамкорликни бошлаб юборамиз. ЮНЕСКОнинг бу соҳада қилаётган дастлабки иши, албатта, Ўзбекистон учун жуда керакли дастур бўлади, деб ўйлаймиз. Албатта, бу ишларни оммавий ахборот воситаларисиз, уларнинг тарғиботисиз амалга ошириб бўлмайди. Шунинг учун телевидение, радио, матбуот билан ҳам ҳамкорлик қилиш ниятидамиз.

*Шароф МИРЗАЕВ ва Мирзаали АКБАРОВ суҳбатлашди.*



*Халқимизнинг ўлмас ижоди — боқий ёдгорликлар шаҳримиз кўркидир.*

*Рустам Шарипов олган сурат.*

---

***Кейинги йилларда Темур ва темурийлар даврига бағишланган қатор китоблар нашр этилди.***

*Матбаа*

# ҚЎЛЁЗМА МАНБАЛАРИ АСОСИДА

Абдулла Қодирий номидаги халқ мероси нашриётида чоп этилган «Темурийлар бунёдкорлиги давр манбаларида» китобида Темур ва темурийлар даврида Мовароуннаҳр ҳамда Хуросонда олиб борилган бунёдкорлик ишлари, илм-фан ва маданият борасида эришилган ютуқлар ҳақида ҳикоя қилинади. Китоб академик Музаффар Хайруллаевнинг кириш сўзи билан бошланади.

Тўплам темурийлар даври форс тилидаги қўлёзма манбалар асосида тайёрланган, махсус танлаб олинган таржималар ва XIV—XV асрлар Марказий Осиё маданиятига оид маълумотлардан иборат эканлиги билан қимматлидир. Тўпламда ўнга яқин темурийлар даврига оид тарихий асарлардан намуналар киритилган. Улар кўпгина мутахассислар ҳамда Темур ва темурийлар даври билан шуғулланаётган тарихчилар учун фойдали манба ҳисобланади.

Мазкур китобдаги маълумотларда темурийлар давлатида, унинг пойтахти Самарқандда, бошқа шаҳар ва қишлоқларда барпо этилган иморатлар, савдо йўллари, ариқлар, боғ-роғлар, умуман кенг ободончилик ишлари ҳақида сўз юритилади. Тўплам тарихимизни, ўтмиш маданиятимиз ҳақида китоблар, дарсликлар ёзиш учун янги материалларни ўз ичига олган.

Ушбу тўплам Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти ходимлари, йирик мутахассис олимлар томонидан нашрга тайёрланган.

Шунингдек, ушбу нашриётда лотин алифбосида «Буюк сиймолар» деб аталган плакатлар тўплами ўн минг нусхада чоп этилди. Буюк алломалардан Форобий, Фурқат, Абу Райҳон Беруний, Мусо ал-Хоразмий, Абу Али ибн Сино, Мирзо Улуғбек, Нодира, Алишер Навоий, Заҳириддин Муҳаммад Бобур, Огаҳийлар, улар яратган асарлари ҳақида маълумот оласиз.

*Назира ЖЎРАЕВА.*

---

*Ўзбек адиблари—«Оқшом» учун*

***Омон МУХТОР,***
***Ўзбекистонда хизмат кўрсатган санъат арбоби.***

# АФЛОТУН

**(Романдан парча)**



***Мен бир муштарий сифатида «Тошкент оқшоми» газетасини севиб ўқиб келаман. «Оқшом» бир менинг эмас барча ҳамшаҳарларимизнинг ардоғидаги газета деб биламан. Ушбу газетада менинг кўпгина шеърларим, ҳикояларим чоп этилган. «Минг бир қиёфа», «Тепаликдаги хароба» сингари романларимнинг сиёҳи қуримасдан шу газетада «Ўзбек адиблари — «Оқшом» учун» рукни остида парчалар чоп этилган. Яқинда «Афлотун» деб номланган янги роман ёздим. Унда 2500 йиллиги нишонланаётган Бухорои шариф ҳаётидан ҳикоя қилиш билан бирга Шарқда фалсафий тафаккур шаклланиши жараёнига халқимизнинг ажойиб фарзанди Фитрат қарашлари тимсолида назар ташладим.***

***Ушбу асаримдан бир парчани оқшомхонларга илинаётганимдан бошим осмонда.***

**— Бу ердан шаҳарга қанча вақтда етиб бориш мумкин?! — деб сўради Суқротдан бир йўловчи.**

**— Кетавер, — деди Суқрот.**

**— Мен йўлни сўраяпман!**

**— Сен қандай юришингни кўрмасдан, буни айтиш қийин, — деди Суқрот.**

(Эски нақл).

## АРАФА

/Муқаддима ўрнида/

Милоддан олдинги 399 йил. Зиндон.

СУҚРОТ. Сен товуқлар қўндоқдан тушмай, нима қилиб юрибсан. Критон?! Ёки вақт эрта эмасми?!

КРИТОН. Жуда эрта.

СУҚРОТ. Ҳозир қайси палла?!

КРИТОН. Кун энди ёришяпти.

СУҚРОТ. Бу, қўриқчи сени қандай ичкарига қўйганига тушунмаяпман.

КРИТОН. У мени яхши билади, Суқрот, чунки мен бу ерга бот—бот келиб тураман. Бунинг устига, мен уни ҳар ҳолда, рози ҳам қилдим.

СУҚРОТ. Сен янги келдингми ёки анча бўлдими?!

КРИТОН. Анча бўлди.

СУҚРОТ. Менинг ёнимда хаёл суриб ўтирмай, нега мени дарҳол уйғотмадинг?!

КРИТОН. Тангрининг ўзи асрасин, Суқрот! Мен ўзим, бутун бахтиқаролик етмагандек, сенга уйқудан ҳам қолишни раво кўрмайман. Ана, келиб, сенинг ширин ухлаётганингни кўриб, ажабланиб, майли, ором олсин деган ўй билан, атайин сени уйғотмай турган эдим.

Албатта, мен олдин ҳам, йиллар давомида, сенинг хатти-ҳаракатингга қараб, ажабланганман, лекин бу кун, бошга кулфат тушганида, сенинг босиқ, сабр-қаноатли ҳолатингни кузатиб, ҳар қачонгидан минг чандон ажабланмоқдаман.

СУҚРОТ (у 71 ёшда эди). Менинг ёшимда, ўлар эканман, деб тоқатсизланиб—типирчилаш ахир, кулгили, ярашмайди, Критон. Буни қоли бало, дейдилар. Чидайсан.

КРИТОН. Бундай пайт, қари бўлса ҳамки, умри поёнига етган қари эканлигини унутиб, тақдирга тан бермай, ўзини йўқотиб қўядиган, типирчилайдиган одам дунёда оз эмас, Суқрот! Сен уларга ўхшамайсан.

СУҚРОТ. Буниси тўғри. Хўш, сен каллаи саҳардан нега келдинг?!

КРИТОН. Мен нохуш хабар олиб келдим, Суқрот. Кўриб турибманки, шахсан сен учун эмас, кўпроқ биз, мен ва мендек барча сенинг яқинларинг учун нохуш, оғир, чидаб бўлмайдиган даражада кўнгилсиз бир хабар билан келдим.

СУҚРОТ. У нима хабар экан?! Делосдан қайтиб келганидан кейин мен ўлишим муқаррар бўлган кема етиб келдими?! (Муқаддас бу кема келмагунича, Афинада қатл маросимлари тўхтатилган эди. Суқрот ўз ўлимини 30 кундан буён кутмоқда эди.)

КРИТОН. Кема—ку, ҳали келгани йўқ, лекин йўлда, Сунияда кемадан тушиб қолган кишиларнинг шаҳодат беришларича ва менинг тахминим бўйича, бугун келиши керак. Нима қилганда ҳам, бугун кема келадиган бўляпти ва сен, Суқрот, эртага ҳаёт билан видолашишинг мумкин.

СУҚРОТ. Тангрининг ҳукми ҳукм, Критон. Унинг даргоҳи кенг!

Фақат, мен кема бугун албатта келади, деб ўйламайман.

КРИТОН. Сен буни қаёқдан биласан?!

СУҚРОТ. Мен сенга айтяпман. Демак, кема келган куннинг эртаси мени қатл этишади.

КРИТОН. Бунга масъул кишиларнинг айтишларига қараганда, ҳарқалай, шунга қарор қилинган.

СУҚРОТ. Лекин менинг ўйлашимча, бугун эмас, кема эртага келади. Мен буни бежиз айтмаяпман. Сен мени умуман, дарров уйғотмаганинг яхши бўлди, зероки, ўзим уйғонишимдан жилла бурун туш кўраётган эдим.

КРИТОН. Қандай туш экан?!

СУҚРОТ. Тушимда оқ кийган ниҳоятда кўркам, улуғвор бир аёл менинг ёнимга келди. У менга, Суқрот, учинчи кун сенинг жанозанг ўқилади, деди.

КРИТОН. Қизиқ туш кўрибсан, Суқрот!

СУҚРОТ. Ҳаммаси худди ўнгдагидек, Критон.

КРИТОН. Шуниси даҳшат. Лекин мен суюкли Суқрот, келишдан мақсадим бошқа. Сен менинг сўзимга кир, озод бўлишдан бўйин бурма. Ахир, сен ўлимга юз тутсанг, мен шўриш, маломатларга қолишимни ўйла! Ҳеч қачон, ҳеч қандай қиёси қайтиб топилмайдиган энг яқин дўстимни йўқотиб қўйишим — бир томон; бизнинг муносабатимизни яхши билмаган кўп кишилар наздида, мен қўлидан келган ҳолда, гўёки сени қутқармаган, ҳатто ўз нақдинасини бу йўлда сарфлашни истамаган бир шахс бўлиб чиқаман. Бизни, дўстларига нисбатан пулни ортиқ кўради, деб айблаб, таъна тоши отишларидан ёмон нима бор?! Ахир, кўпчилик бизнинг уринишларимизга қарамай, сен ўзинг бу ердан қимир этмаганингга ишонмайди.

(Давоми 4-бетда)

